



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 29 декабрь, № 272 (8895)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯНГИ ТОШКЕНТ — ЮРТИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИ ДУНЁГА НАМУНА ҚИЛАДИГАН МУҲТАШАМ ИННОВАЦИОН «ЯШИЛ ШАҲАР»

Президент Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Янги Тошкент шаҳри ҳудудидаги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.



Ушбу янги шаҳарга 2023 йил 18 март куни тамал тоши қўйилган эди. Шу муносабат билан ўтган маросимда давлатимиз раҳбари у “яшил шаҳар” бўлишини айтган эди. Бу ҳаво ва сув тозалиги, муқобил энергия манбалари, дарахтзорлар кўплиги каби мақсадларни ўз ичига олади. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда Марказий боғ барпо этилиб, 200 минг туп дарахт экилади.

Бунинг учун иш ҳозирдан бошланиб, 50 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилган. Президентимиз шу ерда бўлиб, навниҳолларни кўздан кечирди. Бўлажак дарахтзорларнинг ландшафт дизайни, суғориш ва парваришlash тизими ҳақида маълумот берилди.

Ҳозирда кейинчалик кўчириб ўтказиш учун 27 минг туп манзарали дарахт қўчати экилган. Шунингдек, иссиқхона, қозонхона, кўчатларни сақлаш ва суғориш тизимлари барпо этилган.

Янги шаҳарда тегишли вазирлик ва

идоралар ишини ташкил этиш учун вақтинчалик маъмурий бинолар қурилмоқда. Президентимиз улардаги шароитлар билан ҳам танишди.

Ҳозирда енгил конструкциялардан 4 та бино ва ёрдамчи иншоотлар барпо этилган. Бунда тўлиқ маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Офислар “open space” услубида бўлиб, ҳар бирида 250 нафаргача ходим фаолият юритиши мумкин.

Бу вазирлик ва идоралар ишини босқичма-босқич шу ерда ташкиллаштириш имконини бериб, Тошкентдаги тирбандликни камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Жорий йил 3 апрель куни Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар қурилиши бошланган эди. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм ва таълим масканларидан бошланаётганига урғу бериб, “булар маърифатли жамият барпо этиш гоямизининг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди.

Президентимиз ушбу мажмуалар қурилишини бориб кўрди.

Шулардан бири — Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 4 қаватли мажмуа ўз номига мос миллий дизайнда бўлади. Жами 30 минг квадрат метр майдонда бир пайтнинг ўзига 1 минг 420 нафар китобхонга сифатли хизмат кўрсатилади.

Бу ерда кутубхона фондидаги адабиётларни муносиб сақлаш, санокдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш ва стерилизация қилишга мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар ўрнатилади. Шунингдек, мажмуа кўп функцияли бўлади. Ташриф буюрувчилар учун 300 ўринли кафе, галерея, енгил спорт ўйинлари ва бошқа қулайликлар ташкил этилади.

— Мен аввал айтганимдек, бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодий бўлса, бири — маънавият. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўла-

ди. Билимли ёшлар боболаримизга муносиб кенг фикрли, миллий ғурурли, етук инсонлар бўлади. Шунинг учун янги шаҳримиз қурилишини маърифат масканларидан бошлаяпмиз. Булар юз йилга татигулик маънавият, маърифат, илм ўчоғи бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Замонавий кутубхонада ходимлар ҳам шунга муносиб бўлиши, илғор ахборот технологиялари ва хизматларни яхши билиши кераклиги таъкидланди. Шу боис Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ўқув юртралида кутубхоначилар тайёрлаш сифатини ошириш вазифаси қўйилди. Мамлакатимизнинг 14 та шаҳрида кутубхона филиалларини ташкил этиб, ҳудудлардаги аҳолининг ҳам китоб ўқишга қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шаҳарда Тошкент давлат педагогика университети ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети учун замонавий мажмуалар ҳам бунёд этилмоқда. Президентимиз уларнинг қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат педагогика университетининг етти та факультети тарқоқ жойлашган. Биноларнинг аксарияти эскирилган.

Шу боис университет учун қирқ гектарлик майдонда 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари қурилади. Шунингдек, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, спорт ва маданият саройлари, амфитеатр ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, юқори рейтингли хорижий олийгоҳлар тажрибаси асосида “боғча — мактаб — университет” ҳаётлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилади.

Мажмуада педагог ва талабалар учун энг замонавий қулайликлар ҳозирланади. Дарслар бир сменага ўтказилиши, дуал таълим йўлга қўйилиши эвазига ўқиш ва амалиёт сифатида ўсиш бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” университети олий таълим тизимида янги даража бўлди. Унинг ўқув дастурлари дунё рейтингига юқори ўринда турувчи университетлар профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Германия стандартлари асосида ишлаб чиқилган.

Бу ерда ўқиш истагида бўлган ёшлар

сони йилдан-йилга ортмоқда. Бугунги кунда муассасада минг нафардан ортиқ талабалар таълим олмоқда.

Университет учун янги мажмуа қурилиши уч босқичда олиб борилади. Дастлаб ўқув ва ректорат бинолари бунёд этилиши кўзда тутилган.

Яқунда ўн минг нафар талабани қамраб оладиган бешта факультет, бир вақтнинг ўзига саккиз минг нафар талабага хизмат кўрсатадиган ректорат биноси қад кўтаради. Кутубхона, музей, кўргазма зали, мультимедиа хонаси, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси ташкил этилади.

Шунингдек, ўқитувчилар учун 286 ўринли тураржой, талабалар учун 2 минг ўринли ётоқхона қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларнинг келгусидаги аҳамиятига тўхталиб, ўқув жараёнини оқилона ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади.

— Бу маърифат масканлари — ёшларимизга инвестиция. Улардаги йўналишлар, дастурлар, таълим сифати ва касбларда янги Ўзбекистонимиздаги марралар мужассам бўлиши керак. Бугун билим олаётган ёшлар келажакда мамлакатимизни олдинга бошлайдиган, муаммоларни ҳал этадиган “калит”, — деди Президент.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Янги Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик тармоқлари қурилиши билан танишди.

Маълумки, мазкур шаҳар 1 миллион аҳоли яшашига мўлжалланган. Инфратузилма шунга мос ва узоқ мuddатли бўлиши керак. Шу боис ҳозирги кунда катта ҳажмда ер ости муҳандислик ишлари бажарилиб, улкан бунёдкорликка замин яратилмоқда.

Шаҳарда инфратузилма, турмуш ва экология муносиби бўлади. Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. Транспортлар қатнови учун 14 та туннель, 100 минг автомобилга мўлжалланган ер ости тураргоҳлари қурилади. Пиёдалар ҳамда велосипедчиларнинг тўсиқсиз ва хавфсиз ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратилади.

Бугунги кунда бўлажак чорраҳалардан бирида устунлар пойдеворини қуйиш ва гидроизоляция ишлари бажарилмоқда. Президентимиз бу жараённи кўздан кечирди. Келажакни инobatга олиб, қурилишда юқори сифатли ва

ташқи таъсирларга чидамли маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, айна пайтда бир ва икки секцияли муҳандислик коллекторлари қурилиши бошланган. Улар орқали марказлашган иссиқлик ва сув қувурлари, электр энергияси, телекоммуникация каби барча муҳандислик тармоқлари ер тагидан ўтказилади.

Шаҳарда замонавий урбанизация талаблари асосида “аккли” технологиялар қўлланилади. Юртимизда илк бор “уч генерация” станцияси қурилади. Оқова сувлар ҳам замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, суғориш ва техник мақсадлар учун йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбарига Янги Тошкентнинг биринчи босқичида кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Аукцион орқали сотувга чиқарилган ер участкалари голиблари ўзларининг инвестициявий лойиҳаларини тақдим этишди.

Шаҳарга кўплаб маҳаллий ва хорижий инвесторлар қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, биринчи босқичда 490 миллион АҚШ доллари қийматидаги 11 та кўп функцияли мажмуа, меҳмонхона ва ресторанлар лойиҳалари бошланган. Тураржойлар, тижорат жойлари ва ижтимоий муассасалар ҳудудни гавжумлаштириди. Меҳмонхона ва ресторанлар, ўзига хос дизайнли муҳташам бинолар ташриф буюрувчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиши билан бирга шаҳарни туризм марказига айлантиради.

Янаги йилда шаҳарнинг кейинги босқичлари учун ер участкалари босқичма-босқич таклиф қилинади. Ҳар бир босқичда янги инвестицион имкониятлар ва лойиҳалар тақдим этилади. Бу, ўз навбатида, нафақат шаҳарни ривожлантириш, балки кўплаб янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилади.

Умуман, келажакда шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли 200 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Зиёдаулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ҲАЁТБАҲШ ИСЛОҲОТЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида “Янги Ўзбекистон” деган ном дунёга бўй кўрсатмоқда ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини янада яхшилаб бормоқда. Жонаҳон диёримизнинг нуфузи тобора ортиб бориши барчамизга юксак ифтихор туйғуларини бахш этиб, биздан Ватанга садоқат билан меҳнат қилиш, унинг янада гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратимизни сарфлашни талаб этади.

Мушоҳада

Бугунги кунда биргина ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларга қарайдиган бўлсак, аҳоли турмуши учун муносиб шароитлар яратишдан тортиб, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт каби соҳаларни ривожлантириш бўйича қатор чоралар қўрилмоқда.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат

Янги тахирдаги Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” эканлиги мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоёмиз туб негизда, аввало, инсон шаъни ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг эмин-эркин, фаровон яшаши учун қўлай шарт-шароитларни яратиб беришдек олийжаноб мақсад мужассам.

13 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” эканига алоҳида урғу бериб ўтилди.



Ўзбекистон ва ЕОИИ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида келгуси беш йил давомида иқтисодий ҳажмини 200 млрд. долларга етказиш, маҳаллий маҳсулотларимиз экспорт ҳажмини эса 45 млрд. долларга олиб чиқиш режа қилинган. Ушбу мақсадларга эришиш учун биз нафақат савдо-иқтисодий алоқалар диверсификациясини кучайтиришимиз, яъни маҳаллий маҳсулотларнинг янги бозорларга кириб боришини таъминлашимиз, балки аънавий ҳамкорларимиз билан савдо айланмаси ҳажмини ҳам янада ошириш бўйича ташқи иқтисодий шерикликни кучайтиришимиз талаб этилади.

Муносабат

Шундай экан, умумий ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 2,5 трлн. долларни ташкил этувчи бизнинг аънавий ҳамкорларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) давлатлари бозорлари маҳаллий

маҳсулотларимиз ва хизматлар экспортини янада ошириш имконини берувчи муҳим иқтисодий макон саналади.

Кайд этиш жоизки, ташкилот аъзолари билан иқтисодий алоқалар охириги йилларда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилнинг дастлабки саккизи ойида Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси

ўсиши 12 фоизни ташкил этиб, 11,4 млрд. АҚШ долларига етди. Шунингдек, Ўзбекистонда ЕОИИ давлатлари капитали иштирокида очилган компанияларнинг умумий сони бугунги кунга келиб 4,5 мингтага етди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада самарали давом эттириш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси қабул қилинди. Режага мувофиқ, ҳамкорлик йўналишлари сифатида божхона тартиб-тамойиллари, техник тартибга солиш, санитар ва фитосанитар ҳамда тариф ва нотариф чоралар, ички бозорни ҳимоя этиш механизмлари, саноат ва агросаноат комплекси, энергетика ва транспорт, рақамли иқтисодиёт каби соҳалар белгилаб олинган.



МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи тадбиркорлар билан мулоқотдан:

- 2024 йилда савдони ривожлантириш бўйича алоҳида компания очилиб, экспортни молиялаштириш учун **350 миллион** доллар ажратилди;
- берилган ҳар **1 доллар** ҳисобига тадбиркорлар **6 долларлик** экспорт қилди;
- 2025 йилда бу мақсадларга яна **300 миллион** доллар берилиши белгиланди;
- тадбиркорлар 2024 йилда **11,5 триллион** сўмлик **3 мингта** давлат мулки ва **4 минг** гектар ерни сотиб олиб, бизнесини бошлади;
- келаётган йилда яна **4,5 мингта** бино ва **6 минг** гектар ер тадбиркорларга таклиф қилинади.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

Қайд этилганидек, бу- гунги кунда Бош қому- симизда мустаҳкамланган ушбу тамойил асосида меҳр ва кўмак тизими аҳолига тобора яқинлашмоқда. Барча ҳудудда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, маҳалла- ларда 102 та ижтимоий хиз- мат йўлга қўйилди, ижтимоий ходимлар уйма-уй юриши ор- қали шу йил реестрда бўлма- ган яна 95 минг муҳтож одам- га ёрдам кўрсатилди. Шунинг- дек, 51 минг одамга ногирон- лик белгиланиб, 26 минг на- фари протез мосламалари ол- ган. Ётиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланиб, уларга уйи- нинг ўзида парвариш ташкил этилган. Ногиронлиги бор 5 минг нафар бола богча ва мактабларга жойлаштирилган. Бундай манзилли ишлар ту- файли Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хиз- мат ҳамда ёрдам бўйича йўлланаётган мурожаатлар сони 35 фоиз камайишига эришилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга доир янги ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, кела- си йил 1 млн. 200 минг аҳоли- ни камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб- хунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароити- ни яхшилаш зарурлиги таъкид- ланди. Шунингдек, камбағал- лик юқори мингта маҳаллада яна биттадан оилавий богча фаолияти йўлга қўйилишини, янги йилдан оилавий богча ўринларининг 15 фоизига ана шундай кам таъминланган оила фарзандлари қабул қилиниши ҳамда богча тўловы қисман қоплаб берилиши айтилди. Бу эса эҳтиёжманд оилалар фар- зандларининг ўқиби, ҳаётини ўнглаши учун қўшимча имко- ниятлар яратди.

Қолаверса, 118 минг ёш чет тили, ахборот технологиялари ва касб-хунарга ўқитилди. Бу тўғараклар харажати 80 фоиз- гача бюджетдан қопланади. Янги йилда 3,5 минг нафар шундай йигит-қиз олий таъ- лимга грант асосида қабул қилиниши таъкидланди. “Ижти- моий дафтар”лар маблағи кам- бағал оилаларнинг яшаш ша- роитини яхшилаш ва даромад- дини оширишга сарфланади. Эндиликда “ижтимоий карта” жорий этилиб, у билан жамо- ат транспортида бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажати- га компенсация олиш мумкин бўлади. Нафақа ва ёрдам пул- лари ҳам шу картага тушади.

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Йиғилишда ногиронлиқнинг сабаблари, уларга ёрдам бе-

риш масалалари ҳам тахлил қилинди. Ҳар бир вилоят ва ту- ман шифохонасида реабилита- ция хизматлари йўлга қўйили- ши белгиланди. 12 та ногирон- лик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматла- ри қамрови 5 қарра оширили- ши қайд этилди. 7 та тиббиёт олийгоҳида реабилитация ка- федралари очилиб, профес- сор-ўқитувчилар Жанубий Ко- рея тажрибаси асосида қайта ўқитилиши белгиланди. Шу- нингдек, қорхоналарга сурдо- таржимон, психолог ва кўзи оғизларга ҳамроҳлик хизмати харажати учун 50 млн. сўмга- ча субсидия ҳамда бундай одамларни ишга жойла- ган хусусий бандлик ком- панияларига 500 млн. сўмгача грант берилиши таъкидланди. Бу имко- ниятлар натижасида яна 80 минг ногиронлиги бор одамни иш билан таъ- минлаш мумкинлиги айтилди.

Оғир вазиятга тушиб қолган бўлса-да, ўзида куч топиб, ҳаётини ўзгар- тирган матонатли инсон- лар орамыда кўплиги, уларни бошқаларга ўрнат қилиб кўрсатиш, қаҳра- монлиги ҳақида ҳужжат- ли ва бадий фильмлар суратга олиш кераклиги таъ- кидланди.

Кўринадик, ушбу йиғилиш мамлакатимизда инсон ман- фаатларини таъминлаш, иж- тимоий адолат ва ҳимояни кучайтиришга қаратилган исло- хотларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлатимиз раҳбари- нинг ижтимоий масалаларга юксак эътиборидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ҳар қандай дав- латнинг асосий мақсади — ўз фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу нуқтаи назардан, аҳолининг ижти- моий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ижти- моий ҳимоя тизими фуқаро- ларнинг моддий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қон- дириш, заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тенг имкониятлар яратиш орқали жамиятда ижтимоий барқарор- ликни таъминлайди, тенглик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлайди, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнайди.

Давлат ижтимоий ёрдамни манзилли ва шаффоф тарзда етказиб бериш учун “Ижти- моий ҳимоя ягона реестри” ти- зимини жорий этди. Бу тизим ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга тезкор ёрдам кўрсатишга хизмат қилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва нафақалар ажратиш, зарур ҳолатларда озиқ-овқат ва уй-жой субсидия дастур- ларини кенгайтириш масала- ларида кўмак бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда кек- салар, ногиронлиги бор шахс- лар ва болаларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буни пенсия ва нафақалар миқдо- ри мунтазам оширилаётгани, ногиронларга махсус имкони- ятлар яратиш ва инфратузил- мани мослаштириш ишлари олиб борилаётгани, кексалар учун соғломлаштириш ва иж- тимоий хизматлар кўрсатиш

тизими йўлга қўйилганида кўрмоқдамиз. Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фаровонлигини оширишнинг асосий омил, бу — бандли- ни таъминлаш. Бу борада давлатимиз томонидан касб- хунар ўргатиш дастурлари амалга оширилмоқда, янги иш ўринлари яратиш учун кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватланып- ти, ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақса- дида имтиёзли кредит ва суб- сидиялар ажратилаётир.

Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ҳам фуқароларнинг асосий эҳтиёжларини қонди- ришда муҳим ўрин тутати. Бу йўналишда қўллаб-қувватлар амалга ошириб келиняпти. Жумладан, бепул тиббий хиз- матлар ҳажми кенгайтирилмоқ- да, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш ва мала- кали кадрлар тайёрлаш ишла- ри жадал давом этмоқда. Таълим тизимида бепул ва имтиёзли таълим олиш им- кониятлари кенгаймоқда.

Ҳамиятнинг барқарор ри- вожланиши ва фаровонлики таъминлашда аёлларнинг ўрни беқийс. Президентимиз таъбири билан айтганда, хо-

тин-қизларнинг ҳуқуқ ва ман- фаатлари таъминланган жа- мииятда албатта тинчлик, адо- лат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йил- ларда хотин-қизларни ижти- моий ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу сазй- ҳаракатлар аёлларни иқтисо- рий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали жамиятда уларнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, “аёллар дафтари” жорий этилди. Ушбу тизим орқали эҳтиёжманд ва

тиббий хизматлар кўрсатиш давом эттириляпти. Аёлларни соғломлаштириш мақсадида маҳаллий шифохоналар ва поликлиникаларнинг моддий- техник базаси мустаҳкамла- наётир.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хотин- қизларга нисбатан зўравонлик ва камситиш муаммоси жиддий ижтимоий масала бўлиб қол- моқда. Бу ҳолат нафақат ин- сон ҳуқуқларини бузади, бал- ки жамиятнинг барқарор ри- вожланишига ҳам тўсқинлик қилади.

Ўзбекистонда бу борада са- марали чоралар кўрилиб, аёл- лар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш ва зўравонлиқнинг олдини олиш бўйича муҳим ишлар амалга ошириляпти. 2019 йилда “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун аёллар ҳуқуқлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллаларда хотин-қизлар маслаҳат марказлари фаоли- яти йўлга қўйилди. Аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш учун махсус ҳимоя ордерлари жорий этилди.

Юртимизда гендер тенглик- ни таъминлаш ва аёлларни камситишга қарши кураш бўйича фаол сиёсат олиб бо- рилмоқда. Айниқса, таълим олиш ва раҳбарлик лавозим- ларида аёлларга тенг имкони- ятлар яратиш чоралари кўриляпти. Хусусан, хотин-қиз- ларнинг олий таълимда ўқиш имкониятларини кенгайтириш учун махсус грантлар ажратил- моқда. Қишлоқ жойларда яшовчи қизларни ўқишга жалб қилиш мақсадида имтиёзли стипендиялар берияпти. Хо- тин-қизлар учун маданий ва маънавий тадбирлар ташкил этилиб, уларнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Кел- гусида давлат томонидан аёл- ларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни тадбир- корлик ва етакчиликка жалб қилиш, шунингдек, ҳуқуқлари- ни таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилади.

Ўзбекистон аҳолисининг ҳеч бир қатлами давлатимиз эътиборидан четда эмас. Мазкур видеоселектор йиғилиши мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш, фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида янги даврни бошлаб берди. Президентимизнинг “Инсон қадрини кучайтириш асосида олиб бораётган одилона ислохотлари нафақат ижтимоий адолатни таъминлашга, балки ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йилда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилса, Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида янада юксак натижаларга эришиши, шубҳасиз.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва
соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон ва ЕОИИ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Мазкур йўна- ли ш л а р д а ўзаро фикр алмашиш, ЕОИИ битимлари қоидалари бўйича ма- ҳаллий тадбиркорла- римизнинг малакаси- ни ошириш, тегишли тартиб-таомилларни мувофиқлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни ууддалаш режалашти- рилган.

26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳ- рида Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши- нинг навбатдаги йиғи- лишида кузатувчи ма- қомидаги иштироки доирасида давлати- миз раҳбари ташкилот аъзолари билан ўзаро манфаатли ҳамкор- ликни кенгайтиришга қаратилган яна бир қатор муҳим ташаб- бусларни илгари сур- ди. Жумладан, Ўзбе- кистон Ягона божхо- на транзити тўғриси- даги битимда қатна- шишдан манфаатдор- лиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, ушбу битим автомобил- транспортида юк та- шиш жараёнида ра- қамли технологиялар- ни жорий қилиш, электрон шаклдаги ягона транзит декла- рацияси, божхона тўловлари ҳамда на- зорати тизимини му- вофиқлаштириш ва соддалаштириш ҳамда юкларни та- шишни кузатиб бориш имкониятини берувчи навигация пломбала- ридан фойдаланиш орқали халқаро та- шишдаги узлишлар- нинг олдини олиш, яъни қўшимча хара- жатларни камайти- ришни ва юк ташиш вақтини қисқартириш- ни мақсад қилган. Бу, албатта, бизнинг ма- ҳаллий тадбиркорла- римизга ўз маҳсулот- ларини камроқ хара- жат эвазига тегишли хорижий бозорларга етказиш имконини бе- ради.

Президентимиз Ўзбекистон келгуси йилда тегишли тар- тиб-таомилларни яқунлаб, Евроосиё та- раққиёт банкига аъзо бўлиб кириши режа- лаштирилаётганини маълум қилди. Мазкур халқаро молиявий тузилмада иштирок этиш орқали биз иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларини мо- ли я л а ш т и р и ш д а қўшимча имкони- ятларга эга бўламиз. Zero, устав капитали 7 млрд. доллар бўлган Евроосиё та- раққиёт банкининг асосий мақсади аъзо давлатларда инвести- ция лойиҳаларини мо- ли я л а ш т и р и ш ҳисоб- ланади. Бу йўналиш- да банк “яшил” иқти- содий, транспорт-ло- гистика, муқобил энергетика, рақамли т р а н с ф о р м а ц и я , қишлоқ ҳўжалиги би- лан боғлиқ лойиҳа- ларни молиялашти- риш бўйича инвести- циявий фаолиятни олиб боради. Аҳа- миятлики, банк аъзо давлатлар миллий валютасида ҳисоб- китобларни амалга ошириш имконини берувчи тизимни ҳам жорий этган.

Бу борадаги сазй- ҳаракатлардан анг- лашиладики, маҳаллий маҳсулотларимизнинг халқаро бозорларга кенг кириб боришини кучайтириш мақсади- да давлатимиз ҳам Жаҳон савдо ташки- лоти каби универсал доирадаги иқтисодий ташкилотлар, ҳам тур- ли минтақавий иқти- содий тузилмалар би- лан ўзаро манфаатли ҳамкорликни самара- ли олиб бормоқда. Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомидаги иштиро- кимиз бунинг ёрқин мисолидир.

Умид ЯКУБХОДЖАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

АҲОЛИНИНГ ИШЛИ БЎЛИШИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Хусусан, аҳоли бандли- ги масаласида масъуллар ҳар бир қорхона, тадбиркор ва хо- надон билан яқиндан ишлаши зар- урлиги, Сайхунбод тажрибаси- дан сабоқ олиб Уйчи туманидаги 56 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, томорқадан 60 — 70 миллион сўм даромад олиш бўйича намуна яратиш режа- лаштирилди.

Ҳўш, шу кунгача топшириқлар юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

Аввало, 35 минг хонадонга гул- чилик, иссиқхона, балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, узум- чилик, қулупнай, картошка етиштиришга кўмаклашиш, айни йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш учун бандликни таъминлашининг барча манбаси киритилган мукамал дастур тайёр- лангани ўз самарасини берди. Хусусан, вақтинча ва доимий меҳ- нат ўринларига жойлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тижорат банкларининг моддий жиҳатдан ёрдами, томорқа, уй ҳўжаликлари имкониятларини тўла ҳаракатга келтириш ҳудуд- ларни янги босқичга кўтарди. Масалан, биргина оилавий тад-

биркорликни ривожлантириш йўналиши бўйича 642 фуқарога ажратилган 12,9 млрд. сўм миқ- дордаги имтиёзли кредит билан кўпчиликнинг иши юришди. Яна бир кичик мисол. Хизирбулоқ ма- ҳалласида яшовчи Ш. Мамадалиев оиласи моддий аҳволини қан- дай яхшилашни билмай юрганди. Унга хонадонда паррандачилик- ни йўлга қўйиш таклиф қилиниб, 30 млн. сўм кредит ажратилди. Апрель ойида зотли товуқлар пар- вариши билан шуғулланишга ки- ришган хонадон эгалари туҳум ва гўшт сотишдан ойига 10х млн. сўмдан ошириб даромад топмоқ- да. Беруний номидаги маҳаллада М. Аҳмадалиева томонидан таш- қил этилган оилавий қорхонага кўрсатилган амалий ёрдам ҳам 15 кишини тикувчилик юмушлари билан банд қилди. Файрат маҳал- ласида хусусий қорхонага ажратил- ланган 70 млн. сўм молиявий кўмак ёғочни қайта ишлаш лойиҳасини юзага чиқарди.

Тўғри, бизнесни юрийтиш учун етарли шароит, бошланғич сармоа, зарур инфратузилмага эга ишлаб чиқариш майдони зарур. Шу жи- ҳатдан олганда жойларда барпо этилаётган кичик саноат зоналари ҳар томонлама қўлайлик яратмоқ- да. Туманда бундай ҳудудлар беш

жойда фаолият олиб бормоқда. Уларда 555 млрд. сўм қийматга эга 110 та лойиҳа амалга оширилиб, 3044 та иш ўрни яратиш режа- лаштирилган. Утган қисқа вақтда уларнинг 321 млрд. сўм қийматда- ги 33 таси ижросини топди.

Темирчиликка ихтисослаштирил- ган “Қумтепа” кичик саноат зона- си биринчилардан бўлиб тадбир- корларни бағрига олди. У 3,1 гек- тар майдонни эгаллаган бўлиб, 52 та лойиҳа асосида металл бу- юмлар тайёрланмоқда. Ҳудудда яратилган зарур муҳандислик ин- фратузилмаси шарофати билан қув- ватларни ишга тушириш осон кечди. Масалан, узок вақтдан буён ижа- рага олинган устакхонада ишлаб келган “Санлитун” масъулияти чек- ланган жамияти қисқа муддатда ўзининг замонавий цехини барпо этиб, 1 млрд. сўмлик лойиҳасини рўёбга чиқарди. Цехга илғор тех- нология — ўта аниқликда ишлай- диган лазер дастгоҳи ўрнатилган. Унинг ёрдамида темир дарвоза- ларга гул солинади. Тадбиркор Эгамберди Вахобов етакчилигида- ги 18 кишилик меҳнат жамоаси ис- теньол бозорига 20 млрд. сўмлик маҳсулот етказиб бермоқда.

Президентимиз ташрифи чоғи- да “Қумтепа” ҚСЗ фаолияти би- лан яқиндан танишиб, бу ерда

олиб борилаётган ишлар маъқул тушганини айтганди. Шундан сўнг ҳудудни кенгайтириш бўйича яна 1,9 гектар ер ажратиб берилгани минглаб қўшимча иш ўринларини яратди.

Мазкур туманда аҳоли бандлигига эришиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича уч йўналишда амалга оширилган амалий тадбирлар қисқа вақтда ўзининг аниқ натижаларини кўрсатди. Бу билан бутун мамлакат бўйлаб эътироф этилаётган Уйчи тажрибаси майдонга келди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, тугалланаётган йилнинг декабрь ойига келиб, 38 минг 289 киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Ишсизлик даражаси аввалги 10,8 фоиздан 4,8 фоизга туширилди.

Бандлик дастурини рўёбга чиқаришда фуқаролар йиғинининг “маҳалла еттичилиги” олдинги саф- да бормоғи лозим. Зеро, худуд- даги аҳвол, имконият ва муаммо- ларни улардан яхши биладиган инсон йўқ. Соку маҳалласи бу бо- рада намунали ҳудудлардан бири саналади. Жорий йилда бу ерда 75 киши ишсиз мақоми билан рўйхатда турган. Махсус дафтар- лардаги 10 нафар фуқарога суб- сидия асосида тикув машинаси, мотокультиватор ва бошқа меҳнат

қуроллари олиб берилди. 38 киши ўзини ўзи банд қилиш орқали да- ромадга йўналтирилди.

Айни жараёнда банкирлар ҳудудлар бизнес имкониятини ўрганиб, одамлар билан суҳбат- лашмоқда. Уларнинг ғояларини лойиҳага, ундан кейин амалиётга айлантиришга кўмак бермоқда. Аҳолини кредит олиш, қайтариш, бизнес очиш, маҳсулот сотишга ўргатиш бўйича олиб бориладиган ишлардан сўнг “Агробанк”, “Мил- лий банк” ва Халқ банкининг ту- ман бўлимлари томонидан ўзла- рига бириктирилган 56 та маҳал- ла ахли учун 758 млрд. сўм кре- дит ажратилиши билан 1400 га яқин тадбиркорлик лойиҳалари ижросига қафолатли йўл очилди.

Улар ниҳоясига етказилиши билан 2 минг 856 кишининг бандлиги таъминланди.

Мазкур туманда аҳоли бандли- гига эришиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича уч йўналиш- да амалга оширилган амалий тад- бирлар қисқа вақтда ўзининг аниқ натижаларини кўрсатди. Бу билан бутун мамлакат бўйлаб эътироф этилаётган Уйчи тажрибаси май- донга келди. Рақамларга мурожа- ат қиладиган бўлсак, тугалланаёт- ган йилнинг декабрь ойига келиб 38 минг 289 киши ижтимоий фой- дали меҳнатга жалб этилди. Иш- сизлик даражаси аввалги 10,8 фо- издан 4,8 фоизга туширилди.

Давлатимиз раҳбарининг вило- ятларга ташрифи халқ турмуш тар- зи билан яқиндан танишиш, жой- лардаги муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиш орқали ислохот- ларни жадаллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу Уйчи туманининг энг долзарб муаммо- ларидан бири бўлиб турган банд- лик масаласига муваффақиятли ечим топилганида ҳам яққол кўри- нади.

Икромхон НАЖМИДИНОВ,
«Нуроний» жамоғариси Наманган
вилояти бўлими раҳбари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИЛМ-ФАН РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ЙИРИК ИННОВАЦИОН МАРКАЗ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЯКИНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ УНИВЕРСИТЕТЛАР РЕЙТИНГИ»ДА («QS SUSTAINABILITY RANKINGS — 2025») «ТОП — 1000»ТАЛИҚДАН ЖОЙ ОЛДИ.

Дунёнинг икки мингга яқин олий ўқув юртлари қамраб олинган мазкур рейтингда Миллий университет 931 — 940-ўринни эгаллади. Қатор кўрсаткичлар бўйича позицияси сезиларли даражада яхшилангани, айниқса, қувонарлидир. Жумладан, атроф-муҳит барқарорлиги (Environmental sustainability) кўрсаткичи бўйича 279-ўринга, бошқарув (Governance) — 402, экологик таълим (Environmental education) — 825, билим алмашинуви (Knowledge exchange) кўрсаткичи бўйича 952-ўринга кўтарилиб олди.

Эътироф

Шубҳасиз, бу мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг юксак эътирофидир. Бинобарин, Ўзбекистон Миллий университети нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. У ўзининг бир асрдан ортиқ фаолияти давомида давлатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари, ижтимоий ва маънавий соҳалари учун кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшиб баробарида, илм-фаннинг қўллаб-қувватлашга жадид эътироф этган муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Мамлакатнинг олтин фонди

Мамлакатимизда халқаро стандартлар даражасида мутахассислар тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиб берилляпти. Мақсад инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг интеллектуал, илм ва иқтисодий қудратини юксалтиришдир.

Президентимиз Ўзбекистон Миллий университетидида олий таълим ва илм-фан намоёндалари билан учрашганда олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш борасида топшириқлар бериб, «Илмли одамлар — мамлакатимизнинг олтин фонди. Уларнинг қўлида келажагимиз бўлган болаларимиз тарбияланади», дея алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда илм-фан ва таълим соҳаси ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди. Бу эса ўзининг юксак самараларини бериб, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият қўлами тобора кенгаётганда, олиб бориладиган тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш, академик илм-фан эҳтиёжлари билан чуқур интеграциялашаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Айни пайтда университетнинг 13 та факультетида 56 та бакалаврият йўналиши, 59 та магистратура мутахассислиги бўйича 34 минг нафарга яқин талабалар тахсил олмақда. Шунингдек, илмий фаолиятини олиб бормоқчи бўлган ёш мутахассислар учун докторантурада 100 га яқин мутахассисликлар мавжуд. Уларга илмий изланишлар олиб бориш, тадқиқот доирасида тажрибалар ўтказишида олий ўқув юрти таркибидида 70 дан ортиқ кафедралар, Ҷримўтказичлар ва микроэлектроника физикаси илмий-тадқиқот институти, Физиология илмий-тадқиқот маркази, Биофизика ва биокимё институти, Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, 5 та музей, ботаника илмий базаси, илмий кутубхона бамосило йўли юлдуз бўлиб хизмат қилмоқ-



да. Натижада университетнинг жамият илмий маданий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишидаги роли тобора кенгайяпти. Табиийки, бунда олий даргоҳда меҳнат қилаётган 1200 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг хизмат бекиёс. Зеро, уларнинг 20 га яқини академик, 300 нафари фан доктори ҳамда қарийб 500 нафари фан номзоди ва PhD даражасига эга етук мутахассислардир.

Университетнинг интеллектуал ва илмий салоҳияти юқори эканини белгиллаб берувчи муҳим мезонлардан яна бири шуки, илмий-педагог жамоа таркибидида 40 ёшгача бўлган ёш олимларнинг улуши йил сайин кўпаймоқда. Ҳозирги кунда 22 нафар DSc, 123 нафар PhD илмий даражасига эга умидли ёш кадрлар илгор технологияларни амалиётга татбиқ қилиш, рақобатдош мутахассислар тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келяпти.

Илмий мактаб яратиш бахти

XX аср ўзбек илм-фани ривожини Ўзбекистон Миллий университети тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур университет минглаб олимлар учун бешик вазифасини ўтади. Бугунги кунда олийгоҳ салоҳияти янада юксалиб, ҳозирги замоннинг энг яхши мутахассисларини етиштириб чиқараётгани киши қалбига ғурур бағишлайди, албатта.

Университетда фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ илмий мактаблар жаҳон олий ахлининг юксак эътирофига сазовор бўлган. Университетнинг атоқли олимларидан 23 нафари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти ва вице-президенти этиб сайланган бўлса, битирувчиларидан жами 107 нафар олим академик даражасига эришган. Олима аёллардан 150 га яқини фан доктори илмий даражаси ва профессор унвонини қўлга киритган.

Мазкур масканда таълим олган кўплаб битирувчилар хорижий олий таълим муассасаларида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Холон технология институтини (Исроил) президенти Эдуард Якубов, АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими Амир Махмудов, Калифорния давлат университети (АҚШ) профессори Зоир Ибрагимов ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда университетда фаолият кўрсатаётган олимлар фан

ва таълим ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бир қатор мавзуларда халқаро аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар амалга ошириляпти. Кўёш нури таъсирида сувни фотокаталитик парчалаб водород олиш, наноструктуралли фотокаталлизаторларни синтезлаш ва хоссаларини назарий ҳамда экспериментал тадқиқ этиш ва турли хил биологик фаол бирикмаларнинг нейрорепрогектив хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсадида бирламчи хужайралар культурасини олиш методларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мавзусида фундаментал тадқиқотлар шулар jumласидан.

Бундан кўриниб турибдики, ЎзМУ илмий жамоаси томонидан янги илмий мактаблар яратиш борасида кенг қўламли изланишлар изчил давом эттирилмоқда. Зеро, отахон университетнинг ривожланиш стратегияси классик аъёнларнинг замонавий таълим технологиялари билан бойитиш ғоясига асосланган. Мазкур стратегия жамиятимиз иқтисодий, илмий ва ижтимоий тараққиётининг юқори талабларини, шу-

кенг йўл очяпти. Натижада талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенгроқ жалб қилиш, грант танловлари ва лойиҳаларида иштирок этиш, бошқа олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари учун мақсадли илмий кадрлар тайёрлаш ишлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Бундай дейишимиз учун асослар етарли, албатта. Масалан, университетимиз олимлари 2023 йилда “Scopus” ва “Web of Science” каби нуфузли халқаро илмий базаларда 680 дан ортиқ илмий мақолалар нашр қилган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 700 дан ошди. Пировардида университетнинг бирини “Scopus” базасидаги профили 4777 та ҳужжат ва 1963 та муаллифни қамраб олган. Бу эса ЎзМУнинг мамлакатимиз ва халқаро академик жамоатчилик ўртасидаги нуфузи юқори эканини, илмий салоҳияти ва тадқиқотларининг турли фан соҳаларидаги қамрови катталигини акс эттиради.

Ҳозирги пайтда илмий тадқиқотлар турли фан соҳаларида амалга оширилмоқда. Улар орасида физи-

дер тенглиги; тозалик ва санитария шароитлари; барқарор ва тоза энергия; муносиб иш ва иқтисодий ўсиш; индустриализация, инновация ва инфратузилмалар; камбағаллик ва нотенгликни қисқартириш; барқарор шаҳарлар ва жамоатлар; истеъмолчилик ва ишлаб чиқариш; иқлим ўзгаришига қарши кураш; денгиз экотизимларини сақлаш; қуруқликдаги экотизимларни сақлаш; тинчлик, адолат ва ривожланиш; мақсадларга эришиш учун ҳамкорлик йўналишларидир. Улар доирасида изланишлар натижалари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётгани университетнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги роли ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Халқаро ҳамкорлар 100 дан ошди

Кейинги йилларда юртимизда янги Ўзбекистонни бунёд этишга қодир янги замон кадрларини тайёрлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, айтиш мумкинки, ЎЗМУ ҳаётида янги даврни бошлади. Айниқса, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, ёшларни ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар ечимига хизмат қиладиган илмий ишларга жалб этиш бўйича самарали тизим яратилмоқда. Бунинг учун халқаро алоқалар кенгайтирилиб, нуфузли хориж университетлари билан алоқалар мустаҳкамланяпти.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда ЎЗМУ дунёнинг 32 та ривожланган давлатидаги 100 дан ортиқ олий таълим ва илмий муассасалар билан илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилмоқда. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Исроил, Россия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари шулар jumласидан. Хусусан, Европа Иттифоқининг “Erasmus+” дастури доирасида 2023 йилда 10 та қўшма лойиҳа амалга оширилди.

Бундан ташқари, NASA (Миллий аэронавтика ва фазо маъмурияти)нинг Озёқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш физиологияси бўйича дастурида муваффақиятли иштирок этияпти. Ушбу йирик халқаро лойиҳада ўзбекистонлик олимлар ичидан айнан Миллий университет вакили қатнашаётган отахон олийгоҳ жаҳон илм-фани раvнақига муносиб ҳисса қўшаётган йирик инновацион марказга айланганидан ёрқин далолат.

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев олий таълимни тубдан яхшилаш, таълим савиясини бугунги илгор дунёвий тажрибалар даражасига етказиш, аллома аждодаларимиздан қолган илмий-маънавий мерос асосида янгилаш масаласини тизим олдига муҳим вазифа сифатида қўйди. Натижада ўқув жараёнини ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш, касб малакасини ошириш, дунёда эътироф этилган янги илмий-педагогик усуллар, замонавий технология воситалардан умумли фойдаланиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, “Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди”. Ўзбекистон Миллий университетини дунё тан олган илм-маърифат марказига айлантириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар замирида ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқати мужассамдир.

Ёқуб ЭРГАШОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

«Президент совғаси» — болажонларга!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган байрам тадбири ўз бурчини бажариш вақтида халқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 60 нафар фарзандини йўқлашдан бошланди.



Байрамона безатилган арча атрофида жам бўлган болажонлар, эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган саҳна кўринишларини томоша қилди. Улкан Янги йил арчаси атрофида ҳарбий оркестр ҳамда Марказий ашула ва рақс ансамблининг куй-қўшиқлари жозибали рақсларга уланиб кетди. “Президент совғаси”нинг тақдим этилиши болажонлар кайфиятига янада кўтаринкилик улашди. Тадбирда сўз олганлар, юрт тинчлиги йўлида ўз аҳдида содиқларни Ватан ҳам унутмаслигини, фарзандларнинг келажаги ишончли қўлларда эканлигига уруг беришди. Бу болажонлар қайси соҳа вакили бўлиб улғайишидан қатъи назар, уларни Ватан ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаслиги таъкидланди.

«Саломатлик» поезди — Афғонистонда

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Темир йўл ижтимоий хизматлари” муассасасига қарашли “Саломатлик” тиббий-санитар ёрдам поездида Афғонистоннинг Балх вилоятига ташриф буюрган шифокорлар тиббий кўрикни давом эттиришмоқда.



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маълум қилишича, “Саломатлик” тиббий-санитар ёрдам поезди зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, қарийб ўттиз нафарга яқин тиббиёт ходимлари, темир йўл мутахассислари жалб этилган.

Дастлабки уч кунда шифокорлар Афғонистоннинг ўнлаб ҳудудларидан келган 1 300 дан зиёд фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Шунингдек, тиббий кўрик давомида афғон фуқароларига 1,6 млрд. сўмлик 50 турдаги дори-дармон ҳамда гигиена воситалари тарқатилди.

Маълумот учун, ушбу тиббий кўрик жорий йилнинг 30 декабрига қадар давом этади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари туну кун ишлайди

Аҳоли саломатлигини асраш, хусусан, Янги йил байрами муносабати билан ва қўшимча ишланмайдиган кунларда тиббиёт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигида алоҳида штаб ташкил этилди.



Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати маълум қилди. Шунингдек, жорий йил 28 декабрдан келгуси йил 2 январга қадар туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсидаги барча шифохона, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари ҳамда ҳудудлардаги 39 та туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон томир касалликлари марказларида тиббиёт тизимининг 40 минг нафар ходими қонунда белгиланган тартибда, навбатчилик асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Қўшимча ўринлар ва дори-дармонлар захираси ҳам яратилган.

«Халқ сўзи».

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚΙΑТЛИ ЎТДИ



Кейинги йилларда юртимизда тиббиётнинг янги йўналиши ҳисобланган инсон тана аъзолари трансплантацияси соҳасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир. Хусусан, жигар трансплантацияси борасида катта тажриба тўпланяпти.

Тиббиёт

Болалар Миллий тиббиёт марказида илк бор 15 ёшли беморда ана шундай амалиёт муваффақиятли бажарилгани бунинг амалдаги исботи.

Мазкур юқори технологик амалиёт марказнинг жарроҳ ва трансплантологлари ҳамда Москва шаҳридаги академик В. И. Шумаков номидаги трансплантация ва сунъий

органлар илмий-тадқиқот маркази етакчи мутахассислари ҳамкорлигида бажарилди. Натижада сурункали жигар етишмовчилиги ҳамда аутоиммун гепатит таъсири қўйилган 15 ёшли Умиджон Миркамолов дарддан фориғ бўлди. Унга отаси Камолиддин Исроилов донорлик қилди, бошқача айтганда, ота ўз ўғлига иккинчи умр бағишлади.

Юртдошларимиз ўтган йил апрелдан жорий йил октябргача «Қуёшли хонадон» дастури орқали 12 млрд. сўмлик субсидия олишди.

■ Ифтихор

ЎЗБЕК

Дарё ҳимматида беминнат сеҳр,
Қуёшда эрийди қалин қор, қиров.
Дарёдан ҳам жўшқин кўнглингда меҳр,
Қуёшдан ҳам иссиқ қалбингда олов.

Гоҳ кундуз, гоҳ кеча бўлса ҳам осмон,
Қуёш ҳаммага тенг, ҳаммага ўздек.
Гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ бўлса ҳам жўшқин,
Қалбда қуёши бор ўзбексан, ўзбек!

Дастурхонинг очиқ, ризқ-насибанг мўл,
Сенинг нону тузинг мўтабар, ҳалол.
Очиқ кўнгал билан узатасан қўл,
Меҳмон алқар сени тилдан томиб бол.

Уйдаги гап сиртга чиқмас ҳеч қачон,
Бировга тиш ёриб айтмайсан сиринг.
Мағрусан, бошингга эгилар осмон,
Самодан ҳам баланд сенинг гуруринг.

Ўнг тоғлар осмонга тутади елка,
Тош қоялар шамол қайтарғич тўсиқ.
Сенинг сабринг бордир тоғдан ҳам улкан,
Сенинг бардошинг бор тошдан ҳам қаттиқ.

Юрагинг нурдан ҳам тоза, беғубор,
Юрагинг яхшилик ошени суяқ.
Сенинг орзуларинг жуда улғувор,
Сенинг Ватанинг бор жуда ҳам буюқ!

Рустам МУСУРМОН,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

■ Тухфа

ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШ
КАСБ ЭТГАН МАСКАН

Янги йил байрами арафасида Қашқадарё вилояти-нинг Қарши туманидаги Шойхўжа маҳалласида жойлашган 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти (ДМТТ) қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур бинонинг тантанали очилиш маросимида масъуллар, маҳалла фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу боғча 1987 йилда қурилган бўлиб, таъмирга муҳтож ҳолатга келиб қолганди. Бугунги кунда тўлиқ замонавий кўриниш касб этган мазкур ДМТТда 180 нафар болажон таълим-тарбия олиши учун муносиб шароит яратилди.

Бу эса жажжи болакайлар учун байрам совғаси бўлди.

«Халқ сўзи».

ШОДЛИК, ШУКРОНАЛИК,
ОРЗУ-УМИДЛАР АЙЁМИ

Янги йил яқинлашаркан, киши руҳида ажиб бир кўтаринкилик уйғонади, қалбини гайришуурий қувонч қамраб олади. Қумуш кишининг оппоқ қорлари беғубор болалик дамларини, оппоқ орзуларнинг ҳамон армонга айланмаганини, уларни рўёбга чиқариш учун курашишга ва ғолиб бўлишга ҳали имкон борлигини эслатади.

Янги йил байрами ҳам ўша кайфиятга, баланд руҳга монанд ғоят шуқуҳлидир. Шу боис айни кунларда юртимизнинг кўнгилочар масканларию кенг кўчалари, хиёбонлару боғлари ўзгача жозиба касб этган. Турфа чироқлар, турли-туман ўйинчоқлардан жило олган арчалар, одамларнинг шўх-шодон кулгуси баҳридинлигини очади.

■ Шукух

Бу йил юртимизнинг бош арчаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси олдидаги май-донда ўрнатилди. Эртакмонанд безатилган ушбу майдонда Янги йил байрами тадбирлари, турли кўнгилочар томошалар, концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

— Болажонларимиз орзиқиб кутадиган байрамни муносиб ўтказиш, зарур шарт-шароитларни яратиш учун пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Тошкент шаҳар туризм бошқармаси ходими Бобомурод Файзиев. — Асосий тадбир бўлиб ўтадиган майдонда бўйи 35 метрлик улкан арча ўрнатилди. Янги йил байрами тимсоли бўлган ушбу арча 33 мингта турфа ўйинчоқ, 14 минг метрлик камаларанг чироқлар билан безатилди. Бу ерда турли тадбирлар ҳар куни соат 10 дан бошланиб, тунги соат 23 гача давом этмоқда. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари, хорижлик сайёҳлар ушбу майдонга келиб, хордиқ чиқаришлари мумкин.

Байрам руҳига мос равишда яса-тилган Янги йил арчаси атрофида одамлар гавжум. Бу ерга кимдир фарзандлари, яна кимдир узоғу яқиндан келган меҳмонлари, оила-аъзолари, яқинлари, дўстлари билан таширф буюрган. Барчанинг юзида кўтаринкилик, шукроналик барқ уради. Болажонлар кўзларида қувонч порлайди.

— Албатта, юртдошларимиз қалбидаги шоду хуррамлик мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, фаровонлик, халқни рози қилишга қаратилган ислохотлар, инсон қадрли юксалаётгани ифодаси, — дейди Тошкент вилоятидан келган Ситора Ботирова. —

Инсон кўнгли тўқ, ҳаётдан рози бўлса, унга байрамлар татийди. Ҳар йили Янги йил байрами муносабати билан пойтахтимиздаги ушбу гўшага оила аъзоларимиз билан бирга келамиз. Бугун ҳам бу ердаги эртакмонанд ман-зарадан жуда хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган тўб ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, барча соҳани жадал раванқ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин олишидек улғувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Яқунланаётган 2024 йил ҳам мамла-катимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида катта юк-салиш даври бўлгани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган вақт мобайни-да ҳаётга татбиқ этилган ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар, Фармон ва қарорлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, янгидан-янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали унинг манфаатларини ҳимоялаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳаларни тубдан ислоҳ этишдаги эришилган улкан натижалар барчамиз-нинг кундалик ҳаётимизда, фаолияти-мизда ўз аксини топмоқда.

Кириб келаётган 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб эълон қилиниши мамлакатимизда “яшил” технологияларни жорий этиш, суви тежаш, қўқаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг



муҳими, аҳоли саломатлигини мус-тақамлаш каби устувор масалаларда катта олдинга силжишга эришиш учун замин бўлиши, шубҳасиз.

...Бахтиёр кичкинтойларнинг шодон кулгуси, дилрабо куй-қўшиқлар, жо-зибали рақслар, театрлаштирилган қизқарли томошалар авжжида. Қорбо-бо ва Қорқиз, қувноқ масҳарабозлар, айқичаю қўёнчалар болалиқнинг бе-ғубор хотираларини ёдга солилади.

— Янги йил — мен учун энг яхши байрам. Ҳар йили ушбу айёмда уйи-миз меҳмонларга тўлиб кетади, — дейди Яшнобод туманидаги 339-умум-таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Абдуллоҳ Уктамкулов. — Байрамлар ўтаётган хиёбонларни оилавий айлан-гани чиқамиз. Янги ёдлаган шеърим-ни айтиб бериб, Қорбободан совға-лар оламан. Бу йилги тадбирлар ҳам менга жуда ёқпти. Эртак қаҳрамон-лари иштирокида томоша кўрдик. Улар билан бирга ўйнаб, рақсга туш-дик. Албатта, совғамни ҳам олдим. Бу ерда олган таассуротларимни ўртоқ-ларимга ҳам айтиб бераман.

Байрам тадбирлари 10 январгача давом этади. Шу билан бирга, Тош-кент шаҳридаги барча маданият ва ис-тироҳат боғлари, хиёбонларда ҳам Янги йил шодийналарига бағишлан-ган ярмаркалар, театрлаштирилган муслиқ томошалар ташкил этилмоқ-да. Бундай тантаналар Қорақалпо-ғистон Республикаси, барча вилоят-ларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Сирожиiddин ВОҲИДОВ олган суратлар.

РЕКЛАМА

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ ИНВЕСТИЦИОН БАНКИНГ МАРКАЗИ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КАПИТАЛ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШИГА КЎМАКЛАШАДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида тадбиркорларнинг халқаро ва маҳаллий капитал бозорларга чиқиши ҳамда фаолиятини кенгайтиришига кўмаклашувчи янги тузилма — Инвестицион банкинг маркази иш бошлади.

Президентимизнинг 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашувида соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари энди тадбир-корлар банк кредити билан чекла-ниб қолмасдан, халқаро стандарт-ларга мослашиб, четдан мустақил маблағ олиб қилиши лозимлигини таъкидлади.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Инве-стицион банкинг маркази тадбиркорлар-нинг айнан халқаро ва маҳаллий капи-тал бозорларига чиқиб, глобал молия тизимларига интеграциялашувига қин-дан ёрдам беради.

Бу борада банк томонидан қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

— тадбиркорларнинг фонд бозорла-ри талабларига, хусусан, халқаро стан-дартлар бўйича ҳисобот тайёрлашга, кредит ва “ESG” рейтингини олишга ва “Due diligence”дан ўтишга кўмаклашиш; — маҳаллий ва халқаро фонд бозор-

ларида IPO/SPO ҳамда облигациялар (жумладан, евробондлар) чиқариш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш, ушбу амалиётларни бирга-ликда амалга ошириш;

— облигациялар ва акцияларни халқаро ҳамда маҳаллий капитал бозорларига чиқариш, шунингдек, андеррайтер, ташкилотчи, букраннер ва брокер сифатида бошқариш;

— “яшил” молиялаштириш ва “ESG” ташаббуслари доирасида барқарор мо-лиявий ечимларни тақдим этиш;

— хориждан тўғридан-тўғри кредит (қарз) олишда ваколатли етачки таш-килотчи ёки агент сифатида фаолият юритиш;

— лойиҳалар доирасида маҳаллий хизмат кўрсатувчи банк сифатида иш-лаш, тўғридан-тўғри ва синдикатлан-



ган молиялаштириш жараёнларида агент сифатида хизмат кўрсатиш;

— кредиторлар агентлиги ёки креди-торлараро агент сифатида хизмат кўрсатиш;

— таъминот агентлиги ёки ишончли бош-қарувчи сифатида хизмат кўрсатиш;

— рискларни бошқариш бўйича комп-лекс ечимлар, жумладан, “SWAP”, “REPO” ва хеджирлаш хизматларини кўрсатиш.

Қайд этиш жоиз, “Ўзсаноатқурилиш-банк” мамлакатимиздаги йирик моли-явий институтлардан бири бўлиб, унинг бугунги кунда жами активлари 77 трил-лион сўмни ташкил қилади.

“Fitch Ratings” ва “S&P Global” халқаро рейтинг агент-ликлари кўп йилдан буён банк рейтингини “BB-“, истиқболли “барқарор”, дея тасдиқлаб келмоқда. Шунингдек, Ўзбе-кистон Республикаси Марка-зий банки томонидан ҳам муассаса 2025 йил учун тизим-ли аҳамиятга эга банклар қаторига киритилди.

Бундан ташқари, банк маҳаллий корпоратив эм-тентлар орасида биринчи-лардан бўлиб 2019 йилда ўз евробондларини халқаро фонд бозорида муваффақиятли жой-лаштирган.

Шу билан бирга, Лондон фонд бир-жасида ҳам банкнинг “яшил” ҳамда барқарор ривожланиш дастурлари бўйича чиқарган халқаро облигациялари салоҳиятли инвесторларга сотилган.

Инвестицион банкинг маркази банк-нинг ушбу йўналишда тўплаган тажри-балари асосида фаолият юритиб, ма-ҳаллий ва хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

КИТОБ

ЖАВОНИНГИЗГА

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
БУНЁДКОРИ»

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Қарим Норматовнинг “Янги Ўзбекистон бунёдкори” деб номланган сиёсий эссеи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлар Академияси томонидан китоб ҳолида чоп этилди.

Мазкур китобда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда бутунлай янги сийрат ва суратга эга бўлган давлат ҳамда жамият барпо этилаётгани ҳаётий мисоллар, қиёсий таҳлиллар ва фалсафий мушоадалар воситасида очиб берилган.

Уч бобдан иборат эссе-да миллий кадрлар тайёр-лаш ва мамлакат тарақ-қиёти йўлида олиб бори-лаётган оқилона сиёсат жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоханлигига урғу қара-тилган. Шунингдек, бугун-ги кўннинг долзарб маса-ласи — раҳбар кадрларни камолга етказиш, бу бо-рада олиб борилаётган чора-тадбирлар, ҳар бир соҳа етакчисининг ўз ва-зифасига масъулият билан ёндашиши, бурчига садо-қати, умуман олданда, ин-сон капиталининг миллий тараққиётни таъминлашда ҳал қилувчи омил экани ҳақида сўз юритилади.

Аҳоли фаровонлигини



юксалтириш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, аза-лий қадриятларимизни тик-лаш ва ривожлантириш, миллатлараро бағрикенг-лик ва тотувлиқни мус-тақамлаш, ёшларда мил-лий ғоя ва ҳарбий ватан-парварлик тарбиясини ку-чайтириш борасида амал-га оширилаётган ишлар ҳамда уларнинг аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳа-залар ўқувчида янги Ўзбе-кистон ва унинг бунёдко-ри ҳақида ёрқин таассу-рот қолдиради.


«УММОН БЎЙИДАГИ
ЎЙЛАР»

Ушбу китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг Америка Қўшма Штатларида битган фалсафий мушоадалари, юрт соғинчи ва ҳайратдан иборат беназир сатрлари мажмуасидир.

Шеърый тўплам ўқувчи-ни шоирнинг мусофирлик-да, Ватандан йироқда ҳис этган туйғулари, ҳиссиёт-лари оламига олиб кир-ди. Шеърларнинг ёзилиш санасига аҳамият берил-са, ижодкорни илҳом ва баддий сўз гўзаллиги бир лаҳза ҳам тарк этмагани-га ғувоҳ бўламиз.

Асарларни шоирнинг турмуш ўртоғи Ҳанифа Мустафоева ҳамда қизи Мавлюда Орипова тўплаган ва нашрга тайёрлаган.

Китоб Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси, Қашқа-дарё вилояти ҳокимлиги, “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини меха-низациялаш муҳандислари



институту” миллий тадқи-қот университети ҳамкор-лигида чоп этилган.

«ЎН ДОЛЛАР»

Мазкур ҳикоялар тўплами муаллифи Ёқуб Умарўғли туркий дунё адабиёти ва адабий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган адиб, олим ва жамоат арбобидир. Турк тилида ижод қилган ёзувчи ўзбек адабиёти билан ҳам яқин дўст ва фаол ижодий ҳамкор эди.

Ижодкорнинг асарлари бошқа туркий тиллар қатори ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва чоп этилган. “Ўн доллар” деб номланган ушбу китобга унинг “Кечиккан сайр”, “Икки чинор”, “Қанд”, “Қийин дамлар”, “Балиқ ови” каби ўндан ортиқ ҳикоялари киритилган. Миллий ва умуминсоний қадриятлар тараннум этилган ушбу битиклар китобхоналарга манзур бўлади, деган умидда-миз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр қилинган ушбу ки-тобга қирган ҳикояларни туркчадан Бобоҳон



Муҳаммад Шариф таржи-ма қилган.

«Халқ сўзи».

Бирлашган Араб Амирликларида «Ўзбекистоннинг илҳомлантирувчи овозлари» китоби тақдимоти ўтказилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6